



Келажакка интилиб яшайдиган ёш авлод сайёрамизда фаровон ҳаёт ва юсак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги савъ-ҳаракатларни амалга оширадиган беқиёс кучдир. Шавкат Мирзиёев

Президентнинг «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекиди.

Мамлакатимизда «Ёшлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мавзусидаги Самарқанд веб-форуми ўз иштини бошлади.

Шавкат Мирзиёев «Ёшлар-2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига табрик йўллади.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш «Ёшлар-2020: глобал ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мавзусидаги Самарқанд форуми иштирокчиларига мурожаат йўллади.

ЎА хабарлари асосида тайёрланди

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 13 август • пайшанба • № 78 (4363)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

САНОАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиликларни яратишда муҳим ўрин тутди. Шу боис пандемияга қарама-қарши мамлакатимизда бундай корхоналарнинг узлуксиз ишлаши учун шароитлар яратиб берилди.

Бунинг натижасида йилнинг биринчи ярмида «Ўзэлтехсаноат», «Ўзавтосаноат», тўқимачилик, чарм-поябзал, металлургия, электр энергияси тармоқларида ўсшига эришилган. Қўрғонтепа, Қумқўрғон, Ромитан, Музработ, Избоскан, Норин ва Янгибозор туманларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар кўпайган.

Таҳлилларга кўра, қолган олти ойда 229 триллион сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқариб, йил якунигача бу борадаги кўрсаткични 3,5 фоизга ошириш учун барча имкониятлар бор. Бунинг учун ҳозирги мурракаб ва фақуллода ҳолатдан келиб чиқиб, саноат сис-теми, иш услуби ва ёндашувларни ўзгартириш, рақобатбардош товарлар занжирини ташкил этиш зарур.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Энг аввало, ҳудудлар ва тармоқлар яқин ҳамкорликда ишлаши муҳимлиги таъкидланди.

Мисол учун, Қорақалпоғистонда иккинчи ярим йилликда 7,8 триллион сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. 5 та йирик лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Тўқимачилик, кимё тармоқларидаги бу лойиҳалар ҳисобидан 500 та янги иш ўрни ташкил этилади. Худди шундай, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ҳам катта режалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбари уларга бирма-бир тўхталиб, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш марраларини кафолатли таъминлаш ва инвестиция лойиҳаларини яқунлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Тармоқ ва ҳудудларнинг ўзаро ҳамкорлигига масъул ишчи гуруҳ тўзиб, ҳудудларга чиққан ҳолда, корхоналарнинг муаммоларини ҳал қилиш ва кўшимча захираларни сафарбар этиш орқали саноат ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз саноат кластерларини йўлга қўйиш масаласига алоҳида аҳамият қаратди.

Мисол учун, Наманганда тўқимачилик ва у билан боғлиқ тармоқлар, Навоий вило-

КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЮМШАТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 12 август куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Жумладан, охириги бир ойда барча ҳудудларда даволаш ўринлари ва нафас бериш аппаратлари сони бир неча баробар кўпайтирилгани, муолажа қилиш усуллари янгилангани ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати кучайтирилгани қайд этилди. Буларнинг натижасида мамлакатимиз бўйича коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи 59 фоиздан 77 фоизга етди. Вирус юқтирилганлар сони 32 мингдан ошган бўлса-да, уларнинг 25 мингдан зиёди соғайган, 7 минг бемор даволанмоқда.

– Ҳар бир фуқаромиз соғлиги ва ҳаёти учун курашни янада кучайтириш зарур, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолининг яшаш шароитини яқинлаштириш мақсадида карантин талаб-

ларини босқичма-босқич юмшатиш зарур. Халқимизнинг ўзи шунини илтимос қилмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев. Шунини ҳисобга олиб, 15 августдан автотранспорт воситаларининг кун давомида юриши, маҳаллий авиа ва темир йўл қатнови учун рухсат бериш кераклиги айтилди. Санаторийлар, меҳмонхоналар, музейлар, болалар оромгоҳлари, дала ҳовлилари ижараси, гўзаллик салонлари, саргароҳоналар, очик ҳавода хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектилари фаолияти ҳам тикланади. Белгиланган талабларга амал қилган ҳолда уйда 30 кишилик оилавий маросимлар ўтказиш мумкин бўлади.

17 августдан ҳудудлар ўртасида автотранспорт қатнови, жамоат транспорти (метрополитендан ташқари) ва шаҳар атрофидаги автобуслар қатнови тикланиши белгиланди. 20 августдан буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари, йирик савдо дўконлари, спорт заллари, фитнес клуб ва боссеинлар ишлаб бошлайди. Республика махсус комиссияга ҳар бир фаолият тури бўйича қандай санитария талабларига амал қилиш зарурлигини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди. Эпидемиологик вазият яхши бўлган давлатлардан келган шахсларни карантинга олиш ва ундан чиқариш тартибини яқинлаштириш, пневмониядан тузалган аҳолини реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Санитария-эпидемиология хизматида коллектив иммунитет шаклланиш жараёнини мониторинг қилиб бориш учун антитаначалар таҳлили ўтказишни йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди. Телевидение ва радиода маданий-маърифий, кўнгил-

ЎА



5 хасталик ҳасерати

ёхуд тандаги оғриқлар қайси дарддан дарак беради? Коронавирус пандемияси сабаб ўрнатилган карантин пайтида эҳтиёт чоралари кўрилгани ва оммавий профилактика тадбирлари ўтказилгани боис грип, гепатит, оёқдан захарланиш каби касалликлар кескин камайганини мутахассислар таъкидлашмоқда. Аммо шифокорларнинг огоҳлантиришича, баъзи хасталиклар борки, уларга бу дахлдор эмас. Бешта энг кўп тарқалган касаллик борки, уларни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш бошқаларига нисбатан қийинроқ кечади. Ушбу «машҳур» касалликлар билан қуйида танишамиз.



>>> 3

Оғриқ тишлар

МИБ

ПРОКУРАТУРАНИ ҲАМ АЛДАЙДИМИ? ЁКИ ИЖРОСИ «ДАМ ЕБ» ЁТГАН ИККИ ХУЖЖАТ ҚИСМАТИ

Мажбурий ижро бйороси томонидан ўтказилажак матбуот анжуманларида ҳар гал, албатта, якунига етказилган ижро ишлари билан боғлиқ катта-катта рақамлар андак баланд оҳангларда тилга олинади. Ундирилаётган маблағлар оз эмаски, бу – сўдада ютиб чиққан минглаб кишиларнинг муаммоси ҳал этилди, дегани. Шубҳасиз, суд қарорининг кучи – ижрода! Бажарилмаган суд ҳужжатининг эса «мақулатура»дан фарқи йўқ.


Демакки, МИБчиларнинг «ишлаган одам мақтанишни ҳам билиши керак», деган замонавий ақидага таяниб, ўз фаолиятларини фол тарғиб қилишни тушуномқ даркор. Бироқ ҳамма иш хатодан ҳоли бўлмаганидай, удалашнинг имкони бўлса-да, ижрочиларнинг тортмасида туравериб сарғайиб кетган суд ҳужжатлари ҳам бутун бирма-бир қалжиб чиқаттики, бу қайд этилган ҳаракат ва эътирофларга соя солиши турган гап. Балиқчи туманида яшовчи Абдувоҳид Турсунов дуч келган муаммо ана шулардан бири.

Аслида масала у қадар мурракаб эмас: Абдувоҳид Турсунов ўзи раҳбарлик қилаётган «Ҳабибулло» кўп тармоқли хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига тегишли ҳудуднинг 267 квадрат метр қисмига қўшниси А.Муродов ўзбошимчилик билан бино-иншоотлар қуриб олгани боис уларни жавобгар ҳисобидан буздириш юзасидан судда даъво кўзгаган. Узоқ тортишувлардан кейин фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро суди «қурилмалар буздирилиши, ноқонуний эгалланган ер эгасига қайтарилиши керак», деган тўхтамага келган. Қонуний кучга кирган суд ҳужжати муҳокама қилинмасдан, сўзсиз бажарилиши шарт. Аммо мана шу тартиб Турсуновга келганда ижрочининг «ёдидан кўтарилса»ми? Аввалига МИБнинг мазкур юмушга масъул ходим қарорнинг моҳиятини англамаганлигини таъкидлаб, низоли ернинг кадастр ҳужжатларида кўрсатилган қайси қисмидаги қурилмалар бузилиши юзасидан суддан тушунтириш сўради. Бюронинг мурожаатига асосан суд 2019 йил 18 апрель кунги ажримда масаланинг икки-чигирингача тўхталиб, ортиқча саволга ҳожат қолдирмай тушунтириб берди. Арағийдан савоб сўраймиз: «Ҳў, ижрочи математик ҳисоб-ки-тобга зарурат сезиб рибзат чекмасин деб, суд ҳолатини кўрға ҳас-садек қилиб тушунтириб берибди. МИБ масъули вазифасини охирига етказдики кейин?»

«Йўқ-да, йўқ... Ижрочи ўз ишнини тўла-тўқис адо этганида, ҳозир сизларга арз қилган бўлардимиз?»

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган 12-11 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳисобот-сайлов конференциялари



Сарҳисоб: НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ

Агросоноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти ташкилотининг онлайн тарзда ўтган конференцияси баҳс-мунозаларга бой бўлди. Сабаби, кейинги уч йилда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар тармоқ касба уюшмаси олдига ҳам янги ва кўламдор вазифаларни қўймоқда.



Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, оилалар фаровонлигини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларнинг олдинги сафларида бўлишимизни даврнинг ўзи тақозо қилапти, – дейди тармоқ касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев.

ассасаларнинг фаолият йўналишлари, молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши йўлга қўйилди. Асосий эътибор тармоққа қарашли корхона, ташкилотларни жамоа-шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олиш, жамоа шартномаларига ходимлар учун қўшимча имтиёзлар киритиш ва уларнинг берилишига қаратилди.

Бугунги кунда тармоқ бўйича 4360 та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, улар орқали 109319 нафар ходим қамраб олинган. Жамоа шартномасига киритилган имтиёзлар ҳисобига 2015-2019 йилларда 933 нафар ходимга пенсияга чиқишдан олдин 377 миллион сўмлик бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. 856 нафар ходимни юбилей саналарида қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун 188 миллион сўм сарфланди. Кам таъминланган оилаларнинг 2389 нафар аъзосига 231 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 75 оилага уй-жой қуриш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш учун 364 мил-

лион сўмлик фойзсиз ссудалар берилган. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 2397 нафар фарзандларига 110 миллион сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 535 нафар ёш онага 153 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 295 нафар ёш онанинг ҳафталик иш соати 35 соатгача қисқартирилди. Олий ўқув юрларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабалардан 79 нафарига ўқув шартнома пулларининг қисман тўлови учун 284 миллион сўм маблағ тўлаб берилди.

Нодавлат ташкилотлар ва уларда ишлаётган меҳнаткашларни касба уюшмаси ҳаракатига жалб этиш борасида узуқсиз чоралар кўрилмоқда. 2016-2019 йиллар давомида нодавлат тизимдаги 1300 га яқин ташкилот касба уюшмасига қабул қилинган. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттириляпти. Жумладан, ёшларни, аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янгидан ташкил этилган кооперативлар, иссиқхоналар, кластерларни тармоқ тизимига аъзоликка қабул қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи давомида 48 та нодавлат-нотижорат корхонаси аъзоликка қабул қилинди, уларда ишловчилар сони 1061 нафарни ташкил этди.

Меҳнат муҳофазаси тадбирлари амалга оширилиши бўйича 100дан ошмиқ корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, 90дан ошмиқ ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрларнинг бузилиши аниқланган. Ушбу камчиликларнинг аҳарияти касба уюшмаси органи аралашуви билан жойида бартараф қилинди.

Конференцияда кун тартибидеги барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мухаббат Тўрабоева, «ISHONCH»



Ижтимоий ҲИМОЯ – УСТУВОР ВАЗИФА

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилояти ташкилотидеги 97 та бошланғич касба уюшма ташкилотларида 11640 нафар аъзо мавжуд. Бошланғич касба уюшма ташкилотлари ўртасида касб ва меҳнатга оид масалаларни тартибга олиш, касба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш мақсадида жамоа шартномалари имзоланган. Ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоя қилишда меҳнат учун ҳақ тўлаш муҳим омил эканини эътиборга олиб, тармоқ касба уюшмалари бу борада доимий мониторинг ишларини амалга оширмоқда.

Хар бир ишчи-ходимнинг ҳаётида, дам олишида, соғлигини тиклаши ва муносиб иш шароитларида ишлашида касба уюшмаларининг ўз ўрни бор. Тармоқ кенгаши ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ходимлардан 110 нафарига пенсияга чиқиш олдида моддий ёрдам кўрсатилди. 97 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган ишловчи аёлларнинг иш вақтлари 1 соатга қисқартирилиб, 45 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 65 та кам таъминланган ёш оила вакиллари доимий равишда моддий кўмак бериш йўлга қўйилган.

Ходимларни соғломлаштириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Термиз шаҳрида жойлашган «Амударё» соғломлаштириш болалар оромгоҳи ва Сарийосе туманидаги «Сардор Парвин» хусусий оромгоҳларининг спорт майдонларида ҳар йили спортнинг 5 та тури бўйича тармоқ касба уюшмаси тизимига қарашли бўлган корхоналарда меҳнат қилаётган ёшлар ўртасида вилот спартакиадага ўтказиб келинмоқда. Ҳар йили кўплаб ходимларга сихатгоҳларда соғлиқларини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Бу мақсадда 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 30 нафар ходим бепул дам олишди. Бундан ташқари, ходимларнинг ҳар йили ёзги мавсумда 300 нафарга яқин фарзандлари вилотдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мароқли дам олмақда. Уларнинг 50 нафари бепул дам олдирилди.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами кўлаб-қувватлаш, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш, хотин-қизларга кўмак бериш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби йўналишларда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Бундай саъй-ҳаракат келгусида ҳам давом этади.

Абдуҳамид ҚўЗИМУРОДОВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Катта жамоа, кенг кўламли ишлар

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ходимлари ва талабалари касба уюшма ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда институт касба уюшма қўмитаси раиси Файзиддин Тиловатовнинг ҳисоботи тингланди.

Шундан сўнг делегатлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. – Орта қолган беш йилликда «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» широри остида республикамизнинг тарихий шаҳарларига кўплаб саёхатлар ва зиёратлар ташкил этилди, – дейди институтнинг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси муdiri Юлдуз Эргашева. – Бу тарихимизни ўрганишда ёшлар учун бирдек фойдали бўлди. Шунингдек, байрамларга бағишлаб ўтказилган анъанавий тадбирлар ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, юқори ташкилотчилик остида юштирилди. – Утаётган ҳар бир иш кунимизда касба уюшма қўмитасининг амалий кўмагини ҳис билиб турамыз, – дейди институтда фаррош бўлиб ишлаб келаётган Райҳон Нормуродова. – Масалан, биз фаррошларга иш кийимлари айнан касба уюшмаси томонидан олиб берилди. Тозаликни сақлаш мақсадида керак бўладиган совун ва кир ювиш қуқунлари ҳам шулар жумласидан. Бундан ташқари, касбақўм раиси ҳар биримизнинг мурожаатимизни тинглаб, моддий ва маънавий жиҳатдан кўлаб-қувватлаб келаётди...

Шу тариқа, билдирилган ижобий фикрлардан сўнг институт ходимлари ва талабалари касба уюшмасининг 2015 йил апрель – 2020 июль ойларидаги фаолияти қоникарли деб топилди. Қўмитани бошқариш масъулияти яна изланувчан етакчи Файзиддин Тиловатов зиммасига топширилди.


Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

қурултой ва конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда ЎзФА вице-президенти С.Мирзаев, Б.Абдухалимов, Б.Ибрагимов, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Р.Беделов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз тақлиф ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар.

Делегатлар томонидан Шерзод Жўраев Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касба уюшма қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Ўз муҳбиримиз



Долзарб масалалар муҳокамаси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Навоий вилояти ташкилотининг конференцияси онлайн тарзда ўтказилди.

Унда дастлаб вилот ташкилотининг 2015 йил июнь ойдан 2020 йил июль ойигача бўлган даврдаги фаолияти юзасидан республика кенгашининг вилотдаги масъул ташкилотчиси А.Бобомуродовнинг ахбороти тингланди.

Музокараларда вилот касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Ш.Халилов, Кармана тумани кенгаши раиси У.Мусаев ва бошқалар ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ўз фикрларини билдиришди. Шундан сўнг келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Вилот касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясига делегатлар сайланди. Конференцияда кун тартибидеги барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА,

Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Олимлар Жўраевга яна ишонч билдиришди

Ўзбекистон Фанлар академияси касба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси «Zoom» дастури орқали онлайн тарзда ўтказилди.

Унда Бирлашган қўмита раиси Шерзод Жўраев ўтган 2015 йил май ойдан 2020 йил июль ойигача ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган ишлар юзасидан фаолияти ҳақида ҳисобот берди.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар билдирган фикр-мулоҳазалар, тақлифлар умумлаштирилган ҳолда ЎзФА бирлашган касба уюшмаси қўмитасининг ўтган ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган ишлари қоникарли деб топилди.



Шунингдек, ташкилот тафтиш комиссиясининг ҳам ўтган ҳисобот даврида олиб борган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди. Кун тартибидеги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиниб, янги таркибда қўмита ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда юқори касба уюшма ташкилотлари



Жонкуяр етакчи қайта сайланди

Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма қўмитасининг онлайн тарздаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда иш берувчи ва бошланғич касба уюшма қўмитаси раиси 2015 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот берди.

Тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси ўртасида 2016-2018 йиллар учун, 2019 йил февраль ойида 2019-2021 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси қабул қилиниб, шу асосда муассасада меҳнат қилаётган 1558 нафар ходимнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда.

Хусусан, жамоа шартномасида ходимлар даромадларини ошириш, уларга қўшимча меҳнат таътиллари бериш, уларни ҳар тарафлама рағбатлантириш, моддий ва маънавий кўлаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Аҳамиятли жиҳати ўтган давр мобайнида жамоа шартномаларидаги шартлар бажарилиши ҳисобига ҳар бир касба уюшма аъзосининг манфаатдорлик даражаси мутассил ошиб борди.

2015-2020 йиллар давомида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ходимларнинг аризаларига биноан касба уюшма қўмитаси томонидан 120 нафарига моддий кўмак кўрсатилди. 105 нафар ишчи-ходим йўлланмалар асосида касба уюшмалари тасарруфидеги турли сихатгоҳларда саломатликларини мустаҳкамлаш, 60 нафар ходимнинг фарзандлари ёзги болалар соғлом-

лаштириш оромгоҳларида имтиёзли равишда дам олдирилди. Муассасада ташкил этилган Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси ҳисобидан касба уюшма қўмитасининг тақдимномасига асосан 65 нафар ходим моддий жиҳатдан кўлаб-қувватланди.

Эҳтиёжманд оила вакиллари ҳам доимо касба уюшма қўмитасининг эътиборида. Уларга байрамлар арафасида хайрия ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Муассасада кам таъминланган, кўп болали ходимлар рўйхати шакллантирилган бўлиб, янги ўқув йили бошланиш арафасида

уларнинг фарзандларига ўқув-қурулларини олиб бериш аънанага айланган. Бирлашма ташаббуси билан ходимлар ўртасида шахмат-шашка, мини-футбол, югуриш мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бундан беш йил аввал ўтказилган ҳисобот-сайлов конференциясида

иштирок этган делегатларга спорт ва маданий тадбирларга ажратилган маблағларни иқтисод қилиш эъзвиги туристик саёхатга кўпроқ ходимларни жалб қилиш тақлифи берилган ва уни делегатлар маъқуллаган эди. Шу боис, ўтган беш йил давомида ходимларни кўпроқ саёхатларга жалб қилишга эришилди.

Жумладан, 2015 йил 48 нафар, 2016 йилда 88 нафар, 2017 йилда 90 нафар, 2018 йилда 102 нафар, 2019 йилда 162 нафар ходим Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива шаҳарларига саёхатга олиб борилди.

Ҳисобот-сайлов конференцияси сўнгги делегатлар бир овоздан Ҳамзахон Аҳмедовани тиббиёт бирлашмаси касба уюшма қўмитаси раислигига қайта сайлашди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Маълум бўлишича, МИБ Балиқчи тумани бўлими ижроси А. Худойбердиев ўтган йилнинг 22 апрель кунини низоли жойга келиб, назарда тутилган биноларнинг бир қисмини мажбурий тарзда буздириб, қолган қурилмаларни эса қарздор А. Муродов томонидан ихтиёрий тарзда олдириб ташлашишни ҳусусида тушунтириш бериб, бу ҳақда далолатнома тузади. Таажжубли жиҳати шуки, далолатномада жавобгарнинг имзоси бор-у, даъвогар қўл қўймаган. Хуллас, вазифа қозғода дундирилган, амалда эса ниҳоясига етказилмаган.

Абдувоҳид Турсунов ярим-ёрти ижро иши юзасидан МИБнинг туман ва вилоят раҳбариятига неча марта мурожаат қилди, эҳ-ҳе... Жавоблар бир хил: «хужжат ижроси ўзингизнинг иштирокингизда тўлиқ таъминланган...»


Бу орада бир эмас, икки бор вилоят прокуратурасининг эшигини қокди: «Ҳой барака топгурлар, бюросизларнинг қошингиздаги ташкилот, шу муаммони бир ўрганиб, назорат қилиб беринглр, МИБчилар «ишингизни тугатганимиз», деб бақрайиб ёлгон гапирпти-ку!»

Маъжур мурожаатлар якунидан англашилшича, прокуратура бюро ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан билдирилган шикоятларни ҳар доим ҳам атрофлича ўрганмайдди, чоги... Фуқаронинг вақлидан кўра МИБ ходимининг сўзларига ишониш керак-да. Негаки прокуратурадан берилган жавобларда ҳам ижро иши сифатли адо этилгани таъкидланади. Жумладан, вилоят прокурорининг ўринбосари Бахтиёр Худойбердиев имзоси билан 2019 йил 18 сентябрь кунини берилган жавоб хатда айтилган мавзудаги иш тўлиқ якунланиб, ижро варақаси фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судига қайтарилгани қайд этилади.

Айни мавзуда суддан олинган маълумотнома эса юқоридаги жавобнинг акси: «Маъзур туттайлар, ижро иши якунлангани ҳақида қарор ва далолатномалар бизга келиб тушмаган!» Қай бирига ишониш керак: судгами ёки бюро маълумотномасига асосан жавоб тайёрлаган прокуратурагами?

Югур-югурлардан зада бўлган Абдувоҳид Турсуновнинг ҳолатини тасаввур қилаётган бўлсангиз керак? Охирига етказмаган вазифасини «тўлиқ удаладим» деб ҳатто прокуратуранинг да «қўзига чўп суқадиган» ижросининг кўчдан келган оддий фуқарога муносабатини-чи? ***

Баён этилган ҳолат андижонлик Дилшод Солижоновнинг МИБ билан боғлиқ «саргузаштлари» олдида ҳолва экан. Салкам тўрт йил аввал Жаҳонгир Турсунов деган йигит «Матиз» автоуловда Андижон шаҳрида йўлнинг қарама-қарши қисмига чиқиб, ўз йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «Нексия» билан тўқнашиб кетади. Оқибатда ҳар икки машинага каттагина зарар етади. «Нексия» Дилшод



МИБ ПРОКУРАТУРАНИ ҲАМ АЛДАЙДИМИ? ёки ижроси «дам еб» ётган икки хужжат қисмати

Солижоновга тегишли эди. Хуллас, етти ёт бегонанинг айби билан автомобилни ўз ҳисобидан 25 миллион сўмга таъмирлаган Солижонов ҳуқуқбузар Жаҳонгир Турсуновни судга берди. Избоскан тумани мамурий суди 2017 йил 6 ноябрь кунини жабрланувчи фойдасига 25 миллион 162 минг сўм ундириш тўғрисида қарор қабул қилади. Орадан ўн кун ўтган, ижро варақа Мажбурий ижро бюроси Андижон шаҳри бўлимига юборилган.

Тартибга кўра, айни тоифадаги хужжатларни ижро этишда қарздорга зиммасига юклатилган қарзини ихтиёрий равишда тўлаб бериши учун 15 кун муддат берилади. Айни вақт оралиғида ундирув амалга оширилмаса, ижро иши ундирувнинг аризаси ёки ўз ташаббуси билан қарздорнинг мамлакат ҳудудидан вақтинча четга чиқиб кетмаслиги учун унга таъқиқ қўйиши шарт.

Давлат ижросини Машхур Қодиров эса қарздор Жаҳонгир Турсуновга вақтинча таъқиқ қўйиш ўрнига ундирувчини сарсон қила бошлаган. Жабрланувчи Дилшод Солижоновнинг «Ҳой, барака топгур, кун билан

ой ўтапти, ҳуқуқбузарга нега таъқиқ қўймайсан? Эртами-индин четга чиқиб кетса нима қиламиз?» деган бағларига қулоқ солса қани!

Дилшод Солижоновнинг қуюнганча бор экан: орадан олти ой ўтар-ўтмас қарздорни ишлаб топшишни имкони қолмади — ердаям йўқ, қўқадям! (Дилшод Солижонов қарздорни МИБ ижросисининг яқин қадрдони, шу боис унинг қочиб кетишига шароит яратиб берди, деб ҳисоблайди).

Ундирувчининг саккиз ойлик югур-югурларидан кейингина — 2018 йилнинг 3 августига келиб, ижрочи Машхур Қодиров қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида хужжат тайёрлаб, уни икки ишлар идораларига юборди. Бу вақтда ҳуқуқбузар яшаш жойида ҳам, кўча-кўйда ҳам қорасини кўрсатмай қўйганди.

Давлат ижросининг айни хатти-ҳаракатлари юзасидан берилган саволга МИБнинг Андижон вилояти бошқармасидан изоҳ олинди. Маълум бўлишича, Машхур Қодировнинг шу ва шунга ўхшаш «қилиқлари» кўпайиб кетгани сабаб аллақачон паттаси қўлига туқазилган экан. Хулоса шуки, ижросининг ортидан сарсон-саргардон юрган фақатгина Дилшод Солижонов эмас.

Шундай қилиб, Солижонов излаётган шахс қидирувга берилгани ҳам роса икки йил бўлди. Бу муддат ичида ижро хужжати МИБ Андижон шаҳар бўлими ижросисининг бирдан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига, қисқаси, ҳамон қўлдан қўлга ўтмаптики, натижадан дарак йўқ!

...Энди асосий гапга келсак. Гарчи МИБ томонидан жуда кўп қарорлари тўла-тўқис адо этилаётгани таъкидланаётган бўлса-да, юқоридаги икки ҳолат бу борадаги тиниқ тасаввурларни хира тортириши турган гап. Хар икки вазиятда ҳам ижросчиларнинг лоқайд, совуққон, ишга нисбатан қўбўямачилиги ортидан муаммо юзага чиқяпти. Суднинг қонуний қарори бажарилмаган эса, фуқаронинг давлатга нисбатан ишончига путур етляпти. Биринчи — мингга, мингники — туманга, деган гап бор-а?

Яқинда коммунал хизматлар билан боғлиқ ундирувлар мазкур тизимдан чиқарилгани барчага маълум. Бу ўз-ўзидан бюронинг қўйи тузилмасидан то юқори идораларига қадар иш қўлими анча енгиллатганидан далолат. Демакки, тизимга иши тушиб, йиллар давомида сарғайиб юрган Абдувоҳид Турсунов ҳамда Дилшод Солижонов каби фуқароларнинг шикоятларини батафсил ўрганиб, якунига етказиш учун энди масъулларда кўпроқ фурсат бор. Бюродан норози бўлиб турли идораларга арыз битаётганлар сони эса жамоатчиликдан кўра МИБчиларнинг ўзларига яқини маълум.

Нурилло НЎЪМОНОВ, «ISHONCH»



«Ishonch»га жавоб берадилар...

Тўлдиришнинг ҳам меъёри бор

«Ishonch» газетасининг шу йил 28 майдаги сонидида чоп этилган «Гургурт қутисидида нечта чўп бор?» сарлавҳали мақолага Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлиги қуйидагича муносабат билдирди:

«Гургурт» маҳсулотини ишлаб чиқариш стандарти талаблари ГОСТ 1820-2001 «Спички. Технические условия» давлатлараро стандартида белгиланган ва у «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қабул қилинган. Ушбу стандарт талаби бўйича 4 (2/3) форматдаги гургуртларнинг алоҳида қутиларда энг кичик тўлдирилишида гургурт чўпи сони 37 тадан 52 тагача белгиланган.

Бундан ташқари, «Ўзстандарт» агентлигида қўшимча равишда TS 21479716-01-2019 ва TS 21346346-01-2019 рақамли «Гургурт» ташкилот стандартлари рўйхатдан ўтказилган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи «ATLAS-INVEST» МЧЖнинг TS 21479716-01-2019 техникавий шартларига мувофиқ 4 (2/3) форматдаги гургуртларнинг алоҳида қутиларда энг кичик тўлдирилишида гургурт чўпи сони 25 тадан 64 тагача белгиланган.

ГОСТ 1820-2001 давлат стандартига асосан гургурт қутиси қадоғида маҳсулот номи, стандарт белгилари, ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) савдо маркаси ва жойлашган манзили, ишлаб чиқарувчи мамлакат номи, сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги белгиси кўрсатилмиши шарт.

«Ўзстандарт» агентлиги тақдим этган Стандартлар институтининг экспорт ҳулосасига кўра, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар агарда мамлакатимизда амалда бўлган стандарт талабларидан ўзгача талаблар (мамлакатимиз қонун ҳужжатларига, техник регламентларга, давлат ва давлатлараро стандартларга зид бўлмаган) белгиланган тақдирда корхона томонидан ташкилотнинг стандарти ишлаб чиқилади ва у «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Шу боис, айни пайтда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида техник тартибга солувчи хужжатларда (ГОСТ ва ташкилот стандарти) гургурт қутиси қадоғида энг кичик тўлдирилиши тўғрисида маълумот берилиши талабини киритилиши бўйича мутасадди ташкилотлар билан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Директор

Э. ҲАЙТМЕТОВ



Гургурт қутисидида нечта чўп бор?

Хизматларнинг сифати ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг аниқлиги ва шунинг билан бир қатарда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг қўмитаси томонидан «Гургурт» маҳсулотини ишлаб чиқариш стандарти талаблари ГОСТ 1820-2001 «Спички. Технические условия» давлатлараро стандартида белгиланган ва у «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қабул қилинган. Ушбу стандарт талаби бўйича 4 (2/3) форматдаги гургуртларнинг алоҳида қутиларда энг кичик тўлдирилишида гургурт чўпи сони 37 тадан 52 тагача белгиланган.

Юрак ишемик касаллиги

Мазкур хасталик юрак-томир тизимида кенг тарқалган касаллик бўлиб, миокард ишемияси ва коронар қон айланишининг бузилиши билан кечади. Асосан тож-томир артериялари атеросклероз натижасида юрак мушакларида қон айланиши етишмай қолиши сабаб бўлади.

Касалликга стенокардия (дастлабки, муқим, номуқим), миокард инфаркти, инфарктдан кейинги кардиосклероз, аритмик тур ва юрак етишмовчилиги ки-

ради. Ёш улғайган сари касаллик учраши кўпаяди. Унинг келиб чиқиши ва ривожланишига инсон ёши, касалликка ирсий мойиллик, гипертония, қандли диабет, семирим кетиш, ичкиликка ружу қўйиш, кашандалик, кам ҳаракат (гиподинамия), жисмоний ҳамда руҳий зўриқиш ва бошқалар сабаб бўлади.

Касаллик ривожланишида, айниқса, холестериннинг роли катта. Қонда холестерин миқдорининг ошириб кетиши атеросклерозга сабаб бўлади ва бу юрак ишемик касаллигининг ривожланиши хавфини оширади.

Касалликни даволаш терапевтик ва жарроҳлик усулида олиб борилади. Парҳезга риоя қилиш муҳим

аҳамиятга эга. Овқатнинг умумий миқдори ва калориясини чеклаб, вазнини меъёрида сақлашга ҳаракат қилиш, бадантарбия билан шуғулланиш, меҳнат ва дам олишни уйғунлаштириш, шифокор кўрсатмаларига амал қилиш лозим. Чекишни ташлаш шарт. Юрак ишемик касаллигининг ривожланиши хавфини учун гипертония касаллиги, қандли диабет ва бошқаларни даволаш зарур.

Сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК)

Уларга асосан сурункали обструктив бронхит ва ўпка эмфиземаси оқибатида келиб чиқадиган нафас йўллари обструкцияси билан характерланган ҳолатлар кирди.

Дунё бўйича мазкур хасталиклар кўпайиб бормоқда. Киши ёши улғайган сайин унда ушбу хасталикнинг ривожланиш хавфи ошади.

СОЎКдан ногирон бўлиб қолиш ҳолатлари муҳим ижтимоий муаммога айланган.

Ўзбекистонда аҳоли орасида нафас органлари касалликлари сон жиҳатдан биринчи ўринни эгаллайди. Сўнгги 10 йил ичида носпецифг ўпка касалликлари бўйича касалланиш кўрсаткичи 2,5 баравар ошди, шифохонага ётқизилган пульмонологик хасталикка чалинган беморлар сони, юрак-томир ва эндокрин хасталиклар билан оғриган беморлар сонидан ошиб кетди. Мамлакатимизда сурункали носпецифг ўпка касалликлари (СНУК)дан вақтинча ишга яроқсиз одамлар сони 12 фоиз, ногиронлар сони эса 3 фоизга кўпайган.

СОЎК диагнози касаллик тарихи (анамнез), клиник белгилари, функционал ва лаборатория тестларини комплекс баҳолашга асосланган. Ўйтал, балғам кўчиши, хансираш (гоҳи хуштаксимон нафас олиш билан ўрин алмашадиган) СОЎКли беморларнинг асосий шикоятлари саналади. Касаллик бо-

шланганда балғам асосан эрталаб ажралиб, у кам миқдорда бўлади. Кейинчилик балғам кўпаяди (бир кеча-кундузда 30 млдан ортқ) ва инфекция бўлганда у йирингли тус олади. Бемор муқим хансирайди. Респиратор симптомлар кўпинча хуштаксимон нафас олиш билан алмашади. СОЎК билан касалланган беморларнинг асосий қисми кўпдан буён сигарет кечувчилар (айниқса 40 ёшдан ошганлар) ҳисобланади. СОЎК қайтарилмас, зўрайиб борувчи хасталик бўлса-да, даволашдан мақсад — ўпка фаолиятини яхшилаш, бемор ҳаёт ва яшаш сифатларини оширишдир.

Чекишни ташлаш, тўхтатиш ва потенциал кечувчилар сонини камайтириш СОЎК ривожланмаслиги учун асосий профилактик чорадир.

Бу хасталик анчадан бери ер юзиди тарқалган касалликлар ичида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу хавфли ва кўпинча ўлимга олиб келадиган дард. Уни даволаш ҳозиргача қийинчилик билан кечади, охириги босқичларида эса умуман давосиз.

Саратон ҳақида далиллар: — 50 фоизгача олдини олиш мумкин. — Ном битта — саратон, касалликлар тури эса жуда кўп. — Фақат 5 фоизгача саратон касалликлари авлоддан-авлодга ўтиши мумкин.

Бел оғриғи

Эътиборли бўлинг, бел оғриғи уч касалликдан хабар беради: агар бирор киши бел оғриғидан шикоят қилса, у саратон, остеоартрит ёки диабетдан азият чекаётган бўлиши мумкин.

Бел оғриғи суяк саратонининг ҳам белгиси бўлиши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, ичак, простата, ўпка ва кўкрак саратони ҳам кучли бел оғриғига сабаб бўлади. Бундай ҳолда, ўсимта метастазлари умуртқа суякларига тарқалади ва на-

тижада бел оғриғи келиб чиқади. Яна бир хавфли таъхис бу қандли диабетдир. Сўнгги тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлишича, қандли диабет билан оғриган одамларда бел оғриғи хавфи 35 фоиздан кўпроқ. Олимларнинг сўзларига кўра, диабет сўзларига асаб ва қон айланишидаги муаммолар тўғрисида сурункали бел оғриғидан шикоят қилишади.

Бундай шароитда инсонлардан ўз саломатликларига эътиборли бўлиш ва мунтазам равишда шифокор назоратидан ўтиш тавсия этилади.

Бел оғриғини бартараф этишнинг 4 та махсус йўли мавжуд:

- 1) Мускулларингизни кўпроқ ҳаракатлантириш.
- 2) Уйку ҳолатини ёки тушагингизни ўзгартириш.
- 3) Муносиб рюкзак-сумкадан фойдаланиш.
- 4) Иссиқ ёстиқлар ёки музли пластик халтачалардан фойдаланиш.

Қандли диабет

Дунё аҳолисининг 30 фоизи семизликдан азият чекади. Беш фоиз одам эса қанд касаллиги — диабет билан оғриган. Хар йили бу кўрсаткич 0,25 фоизга ўсмокда.

Ҳозирги кунда бутун дунёда қандли диабет касаллиги билан 420 миллиондан ошқроқ инсонлар азоб чекмокда. Агар самарали чоралар кўрилмаса, 25 йилдан сўнг хар олтинчи киши, асп ўрталарида эса хар иккинчи одам одам ушбу хасталикка чалиниши мумкин.

Қандли диабет — эндокрин касалликларга мансуб бўлиб, инсулин гормонининг тўлиқ ёки қисман етишмовчилиги натижасида гипергликемия — қондаги глюкоза миқдорининг давомли ортиб бориши билан кечувчи, организмдаги моддалар алмашинув жараёнлари (углевод, ёғ, оқсил, минерал ва сув-туз алмашинуви)нинг бузилиши ва қайтмас органик патологиялар келтириб чиқарувчи сурункали касаллик сифатида тавсифланади.

Касаллик енгил кечганда кўпинча парҳез бўлувчи бўлайлик.



Жаҳон матбуоти материаллари асосида Темур МАШРАБОВ тайёрлади



5 хасталик ҳасрати

ёхуд тандаги оғриқлар қайси дарддан дарак беради?

Саратон

— 90 фоиз ҳолатда ўпка саратони сабабчиси чекиш бўлиб чиқади. — Соғлом уйку касалликни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. — Ҳаттоки, болалар ҳам саратон билан оғриши мумкин. — Ривожланган давлатларда саратон кўпроқ тарқалган. — Саратон узок муддат белгиларсиз ривожланиши мумкин. — Эмизикли аёлларнинг кўкрак беши саратонига учраш хавфи камроқ.



Диққат, танлов!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари: тимсоли (эмблемаси) ва байроғини яратиш бўйича танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшдан кичик бўлмаган барча фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танловга тақдим этиладиган рамзлар тасвири ва тавсифи:

– касаба уюшмалари фаолиятининг қонунийлик, ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик ва ошкоралиқ каби асосий принциплари;

– касаба уюшмалари ҳаракати касаба уюшмалари аъзоларининг бирдамлигига асосланганлиги ҳамда Федерациянинг «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» широридаги асосий ғоя;

– касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликда иштирок этиши ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатлари;

– Федерациянинг асосий мақсади – аъзо ташкилотларнинг устав вазифаларини бажаришдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш экани акс эттирилиши лозим.

Шунингдек, Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари содда ва осон тушуниладиган, эсда қоладиган, тўртдан ортиқ рангга эга бўлмаган ҳолда, қора ва оқ рангга яхши қабул қилинадиган, келгусида Федерациянинг турли атрибутлари (босма маҳсулотлар, эсдалик совғалари, нишонлар ва ҳ.к.)да акс эттириш ва фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган ишлар мўйқаламда чизилган (А3 форматли қоғозда) ёки компьютер графикасида (bmp, gif, jpeg, .cdg форматларида) тайёрланган бўлиши мумкин.

Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига ўхшаш бўлмаслиги шарт.

Танловга тақдим этиладиган ишлар tanlov@kasaba.uz, admin@kasaba.uz электрон манзиллари орқали 2020 йилнинг 20 сентябргача қабул қилинади.

Танловга қуйидагилар электрон кўринишда тақдим этилади:

– Рамзларнинг рангли тасвири;

– Рамзларнинг тавсифи (тавсифда рамз нимани акс эттиргани баён қилинади, тавсиф аниқ ва лўнда бўлиши лозим);

– паспорт нусхаси;

– иштирокчининг исми-шарифи, иш (ўқиш) жойи, телефон рақами, яшаш манзили.

Танловга тақдим этилган ишлар Комиссия томонидан икки босқичда кўриб чиқилади:

биринчи босқичда танловга тақдим этилган барча ишлар кўриб чиқилиб, танлов шартларига тўлиқ жавоб берадиган 4 та рамз тасвири ва тавсифи аниқланади;

иккинчи босқичда эса ажратиб олинган рамз тасвири ва тавсифлари Комиссия томонидан сараланиб, энг яхши иш муаллифи ғолиб деб топилди.

Танлов ғолиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Фахрий ёрлиги ва республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 20 (йигирма) баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, танлов совриндорларига 3 та рағбатлантирувчи мукофот топширилади.

Оқибат – дунёнинг устуни

Мирзаобод туманидаги «Мирзаёл чорваси» фермер хўжалигида Сардоба сув омбори тўғонининг бузилишидан олдин 488 бош қўй, 12 бош от, 30 бош қорамол бор эди.

Фермер хўжалиги узок йиллардан буён кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга беғараз ёрдам бериш баробарида мактаб ва боғчаларга сут ва гўшт етказиб берган. Шу боис, бу хўжаликни кўпчилик сирдарёликлар яхши билади. Афсуски, Сардоба сув омборида рўй берган сув тошқини хўжаликка катта талафот етказди. Хозирда 28 бош қўй, 7 бош от қолди, қорамоллар эсанобуд бўлди. Уша куни чўпон Ғафур Мамажоновни ҳам сув оқизиб



кетган. Оқим уни Қозоғистон ҳудудига обориб ташлаган. Қозоқ қардошлар уни сув гирдобидан олиб чиқиб, кийим-кечак ва овқат билан таъминлашган. – Уларнинг кўрсатган ёрдами, меҳрибончиликлари, ширин сўзлари қалбимда жойланиб қолди. Буни умрбод эсимдан чиқармайман, – дейди Ғафур миннатдорчилик билан. – Қардошлар ҳаётимни сақлаб қолишди. Касалхонага олиб боришиб, тиббий текширувдан ўтказишганига нима дейсиз? Дунёни меҳр-муҳаббат қутқаради, дейишгани рост экан. Очиғи, кўнглимдан кечган кечинма ва туйғуларни таърифлашга тил ожиз.

Меҳр бор бўлсин!

Сув тошқинидан омон қолган Ғафурга юртдошлари ҳам ёрдам қўлини чўзишди. Мирзаобод тумани ҳокимининг хотин-қизлар бўйича ўринбосари Гулжаҳон Холмуродова кўмағида пойтахтдаги «Чинобод» санаторийсида даволаниб келди.

Офатдан жабрланган сардобаликларга Президент, ҳукуматимиз, тадбиркор ва саховатпеша инсонларнинг кўрсатган ёрдами бекиёс. Шу ўринда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан уч минг нафар ташаббанганлар санаторийларда саломатлигини тиклаб келганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Айни пайтда Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида 66 та тўрт – беш қаватли уйлар қурилиши ниҳоясига етиш арафасида. Бу ғамхўрликлар Ғафур Мамажонов сингари сув тошқинидан жабр чеккан кўплаб инсонларнинг кўнглига ёруғлик олиб кираётгани, одатий турмуш тарзига қайтарётгани айни ҳақиқат. Бу меҳр-саховат, қардошлиқ, инсонийлик дунё устуни эканининг яққол намоёнидир.

Ҳамза ЭШНАЗАРОВ, пенсиядаги ўқитувчи

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. ISSN 2010-5002. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳридин ШУКУРОВ, (Масъул қотиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК, (Масъул қотиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

- Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
- Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
- Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
- Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
- Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлил, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
- Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
- Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
- Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
- Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
- Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
- Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
- Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
- Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
- Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
- Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
- Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
- Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

А. Абдураҳмонов

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:25

Топширилди – 22:50

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Ғ – 817.

27831 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят қисбарақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «ipoteka bank»


Яшнобод филиали,

Банк коди: 00959,

СТИР: 201133889,

ОКЭД: 58130

Тошкент вилояти



Кимсасиз майдон КИМГА КЕРАК?

Буни Бекобод шаҳрида номигагина қурилган Хотира майдони мисолида яққол кўриш мумкин

Йўл бўйидаги кичик майдон, мотамсаро она ҳайкали. Атрофда на хиёбон, на боғ бор... Майдон янги, дарахтлар майда ва сийрак. Эҳтимол, улар каттаргақ, одам тўпланар? Майдонда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки иштирок этган бекободликларнинг исм-шарифи ёзилган лавҳлар ўратилмаганига нима дейсиз?

Пойтахтимиз ва вилоят марказларида меъморий ечим билан барпо этилган «Хотира маскани» мажмуалари шаҳарлар кўрғига кўрк бўла олади. Бу ерларда ўтганлар хотираси ёд этилиб, эҳти-

ром кўрсатилади. Янги келин-куёвларнинг зиёратга келиши, она ҳайкали пойига гул қўйиши ҳам урға айланган. Бу яхши иш, албатта. Бироқ туман ва шаҳарларнинг барчасига бундай майдонлар зарурми?

Зеро, 9 майни «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилишга оид қарорда ҳам хотира майдонларини вилоят марказларида бунёд этиш белгилаб қўйилган. Аммо бу иш туманларда ҳам давом этапти. Бу бюджет маблағини беҳуда совуриш дегани эмасми? Буни мутасаддилар қандай изоҳлашади?

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

«Ishonch» кўзгу тутати

диққатга сазовор ҳудудларини ўзаро боғлайди. Унинг нақ иккига ажралган жойида ва ғарб томонга йўналган иккинчи қисмида ёриқлар, уйдим-чуқурлар, емирилган асфальт кўзга хунук кўриниб турибди. Автомашиналар уларни босиб ўтаётганида беўхшов товушлар чиқади. Худди вирус ва бактериялар киши организмни ичдан емирганидек, таъмирга муҳтож бу йўл шу тарихи транспортларни аста-секинлик билан ишдан чиқараяпти. Бу жойдан, айниса, оқшом чоғи ўтаётганда ҳайдовчилар эҳтиёт бўлишлари зарур. Чунки кўча чироқлари йўлни яхши ёритмайди.

Агар теварак-атрофни эътибордан соқит қилган ҳолда фақат йўлдаги ёриқларгагина назар солсангиз, уларни Ой ёки бошқа осмон жисмларидаги кратерлар деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ, азизлар, бу қандайдир ўзга сайёра сирти эмас, обод ва кўркам бир шаҳардаги йўлнинг ҳолати. Ваҳоланки, Бухоро шаҳрида бундай абгор йўллар санокли эмас.

Мутасаддилардан бу масала бўйича изоҳ кутамиз.

Рустам ИБРОҲИМОВ, «ISHONCH»

Бухоро вилояти

Фарҳод Мутагаров Бухоро шаҳридаги Ислон Каримов номидаги кўчада яшайди. Кейинги ўн йил ичида у нақ беш маротаба скүтерини алмаштиришига тўғри келди. Бунинг сабаби оддий: айни шу кўчанинг Пиридастир кўчаси билан кесишган ҳудудидан ўтган автомобил йўлининг «текис» ва «равон»лиги. Бу йўл манадан деган мотоциклни ҳам, бошқа хил транспорт воситаларини ҳам ишдан чиқариши тайин. Бунинг оқибатини яроқсизга чиққан скүтерларнинг амортизаторлари тез-тез таъмирталаб бўлиб, охири фойдаланиб бўлмайдиган билиш мумкин.



Кўчадаги «КРАТЕР»лар

Ф.Мутагаровнинг айтишича, бундай техник жиҳозларни таъмирлашга камида 120 минг сўм кетади. Қолаверса, ҳозирги шароитда зарур эҳтиёт қисмларни топиш ҳам осон эмас. Устига-устак, мотоцикл дискиси айни ўша йўлда қайрилиб, авария хавфи туғилиши ҳам мумкин. Дисканинг ўртача нархи эса 300 минг сўм. Бу ҳам муаммо устига муаммо. Шу боис, Ф. Мутагаров иш жойига бориб-келиш учун кейинги вақтларда уловида бошқа йўл-

дан юриб, икки баробар масофани босиб ўтмоқда. Бу ҳудудда яшовчилар катта йўлнинг шу қисми анча йилдан буён таъмир кўрмаганини билдиришди. Охириги икки-уч йилда унга яқинроқ йўллар таъмирланган, у ерларга ҳатто светофор ўрнатилган. Аммо мунолиш ва унга туташ бир неча ўн метрли йўл эски ҳолича қолаверган. Таъкидлаш керакки, айни шу йўл Бухоро вилояти марказининг муҳим ва